

Каъба эшигининг пардаси



11:55 / 27.07.2025 1505

Бу парда «Барқаъ» – ёпинчиқ деб аталади. Бу ҳам Каъбапўш тўқиладиган жойда тайёрланади. Матонинг бошқа жойларига қараганда, каштаси ажралиб туради.

Парданинг узунлиги 6 метр 32 см.

Парданинг эни 3 метр 30 см.

Унинг четида саккизта доира ичига «Аллоҳу Роббий», яъни «Роббим Аллоҳ», ўртасидаги учта доирага эса «Ҳасбияллоҳ», яъни «Аллоҳ Ўзи кифоя қилур», деб ёзиб қўйилган. Парданинг атрофига 10 та доира ичига Фотиҳа сураси ёзилган. Парданинг тепа қисмига: **«Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз»** ояти ёзиб қўйилган (Бақара сураси, 144-оят).

Икки узун доира остида: **«Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман. Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз. У жаннат тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир»** (Оли Имрон сураси, 133-оят), деб ёзилган. Бу оятнинг пастидаги тўртта қандил ичига: **«Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир»** ояти ёзилган (Нур сураси, 35-оят). Унинг пастига «Оятал Курсий» ёзилган. Унинг пастига:

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Батаҳқиқ, Аллоҳ Расулининг тушини ҳақ ила тасдиқлади. Албатта, Масжидул Ҳаромга, иншааллоҳ, омонликда кирасизлар», деб ёзилган (Фатҳ сураси, 27-оят).

Сўнгра икки доиранинг бирига Ихлос сураси, ўртасига «Бисмиллаҳ...» ёзилган. Икки доира ўртасига қуйидаги оят ёзилган:

(Менинг номимдан) айт: **«Эй ўз жонларига жавр қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир»**. (Зумар сураси, 53-оят).

Бу оятнинг пастига: «Лаа илааҳа иллаллоҳу маликул ҳаққул мубин. Муҳаммадун расулуллоҳ содиқул ваъдул амин», деб ёзилган. Парданинг энг пастига Қурайш сураси ёзилган.

Бу парда Маккаи Мукаррамада тўқилиб, уни икки шарафли ҳарам ходими Фаҳд ибн Абдулазиз оли Сауд Каъбага ҳадя этган.

Макка, Каъба, Замзам тарихи, ҳаж ва умра маносиклари»
китобидан.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.